

Совчи қўйилаётган қизга назар солмоқ

05:00 / 14.02.2017 6129

...Оила қуриш ниятидаги кишилар бевосита бир-бирлари билан кўришишлари шариат ҳукмига биноан ўтиши керак. Ўзлари хилватда ёлғиз қолишлари мумкин эмас. Маҳрамлардан бирор киши улар билан бирга бўлиши керак. Йигит қизнинг юзига, икки қўлига назар солса бўлади...

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Мен сени тушимда икки марта кўрганман. Бирдан бир киши сени ипак матоҳга ўраб кўтариб келиб, бу сенинг хотининг, дер эди. Очиб қарасам, сен бўлар эдинг. Мен агар бу Аллоҳнинг ҳузурида бўлса амалга оширади, дер эдим», дедилар».

Икки Шайх ривоят қилишган.

Шарҳ: Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тушларида Оиша онамизни ипак чойшабга ўраб, кўтариб олиб келган киши Жаброил алайҳиссалом бўлганлар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тушлари ҳам ваҳий маъносида бўлади. Шу йўл билан Аллоҳ таоло Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга бўлажак хотинлари Оиша онамизни икки марта кўрсатган. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам агар шу тушлар Аллоҳ томонидан бўлса, Аллоҳ уни рўёбга чиқаради, мен Оишага уйланаман, деб ўйлаганлар.

Кейинчалик шундоқ бўлган ҳам. Шу билан Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Оиша онамизни у кишига уйланишдан олдин худди ўнгларида икки марта кўргандек бўлганлар. Аллоҳ таоло бу ишни ҳикматсиз қилмаган.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида эдим. Бир киши у Зотнинг олдиларига келиб ансорийлардан бир аёлга уйланмоқчи эканини хабар қилди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Унга назар солдингми?» дедилар.

«Йўқ», деди у.

«Бор! Унга назар сол! Ансорийларнинг кўзларида бир нарсаси бўлади», дедилар».

Муслим ва Насай ривоят қилишган.

Шарҳ: Бу ҳадисда уйланмоқчи бўлган одам ўзининг бўлажак умр йўлдошига назар солиши, ҳатто кўзидаги фарқни англаса ҳам жоизлиги баён қилинмоқда. Уйланувчига шунга ўхшаш маслаҳатлар бериш жоизлиги билинмоқда.

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Қачон бирингиз бирор аёлга совчи қўймоқчи бўлсангиз, агар унинг никоҳига чорловчи нарсага назар солишга қодир бўлса, шуни қилсин», дедилар».

Абу Довуд, Шофеъий ва Ҳоким ривоят қилишган.

Шарҳ: Демак, уйланишдан олдин ўзининг бўлажак умр йўлдошига назар солиш жоиз.

Бошқа ҳадисларда саҳобаларнинг суннатга амал қилиб, уйланмоқчи бўлган қизларига қандоқ назар солганлари, уни ёқтириб, сўнгра уйланганлари ҳақида сўз кетган.

Муғийра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«У киши бир аёлга совчи қўймоқчи бўлганида Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Унга назар сол, чунки бундоқ қилиш иккингиз орангизда бардавомликка керакдир», дедилар».

Насай ва Термизий ривоят қилишган.

Шарҳ: Демак, шариатда бўлажак турмуш йўлдошига назар солишга ижозат беришнинг ҳикмати бир-бирини ёқтириб, муносиб кўрса, кўнгли тортса, кейин турмуш қуришга ўтиши учундир. Лекин бундоқ шаклдаги назар солишнинг, бир-бирини кўришнинг ҳам ўзига яраша одоблари бор.

Аввало, мазкур кўриш унаштирилишдан аввал бўлади. Шунинг учун бу ишда жуда ҳам эҳтиёт бўлиш керак. Кўриш оқибатида турли-туман гап-сўзлар тарқалмаслиги керак. Ҳатто бир-бирини ўзига мос эмас, деб топилганда ҳам, ёқмай қолган тарафнинг шаънига тегадиган гап-сўзлар тарқаб, хафа қиладиган бўлмаслиги керак. Ушбу кўришдан кейин маъқул топилса, унаштирилади, бўлмаса, гап-сўзсиз қолавериши керак.

Иккинчидан, мазкур кўришиш, танишиш вакил воситаси ила ёки шахсий иштирок ила бўлиши мумкин.

Имом Аҳмад, Табароний, Ҳоким ва Байҳақийлар ҳазрати Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда айтилишича:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Умму Сулаймни ўзлари учун бир аёлни кўриб келишга юборганлар ва:

«Товони устидаги пайига қара ва бўйнини икки томонидан ҳидлаб кўр»,

деганлар.

Бу каби нарсаларни, албатта, аёл киши қила олиши мумкин, холос.

Шунингдек, келинликка номзод куёвни кўриш, уни яқинроқдан таниш учун ўз вакилини юбориши мумкин.

Оила қуриш ниятидаги кишилар бевосита бир-бирлари билан кўришишлари шариат ҳукмига биноан ўтиши керак. Ўзлари хилватда ёлғиз қолишлари мумкин эмас. Маҳрамлардан бирор киши улар билан бирга бўлиши керак. Йигит қизнинг юзига, икки қўлига назар солса бўлади. Ҳанафий мазҳабида қадамига ҳам, дейилган. Юз жамолнинг ойнаси, ундан кишининг чиройи ҳақида тўлиқ хулоса чиқариб олиш мумкин. Қўлдан эса баданнинг бошқа қисмлари, ориқ, семизлик каби ҳолатлар тўғрисида хулоса чиқариб олинади. Ҳаракатдан, юриш-туришдан шундоқ ҳам тасаввур олса бўлаверади.

Икки тараф бир-бирини ёқтиргандан кейин унаштириш мумкин бўлади.

Лекин совчи қўйишдан олдин мулоҳаза қилиниши лозим бўлган бошқа муҳим масалалар ҳам бор.

Авалло, совчи қўйилиши кўзланаётган аёл совчи қўймоқчи бўлган эркакка никоҳи шариатда ҳаром қилинмаган бўлиши керак. Никоҳи ҳаром қилинган аёллар кимлар эканлигини, иншааллоҳ, келгусида батафсил ўрганамиз.

Аммо никоҳи ҳалол аёллардан баъзилари ҳам вақтинчалик совчи қўйиш мумкин бўлмайдиган ҳолда бўлишлари мумкин.

Биринчи ҳолат–идда ўтирган аёллар ҳолати.

Идда ўтириш талоқдан ва эрнинг вафотидан кейин бўлади. Аёл киши идда ўтирган пайтида унда аввалги эрининг ҳаққи бўлади. Талоқ раж-ъий бўлса, кичик боин талоқ бўлса яна қайта ярашиш имкони бор. Шунинг учун ундоқ аёлга совчи қўйган эркак худди эри бор хотинга совчи қўйгандек бўлади.

Агар талоқ қилган эр билан қайта ярашиш имкони қолмаган бўлса ҳам идда ичида унинг ҳаққи туради. Чунки идданинг–бошқа эрга тегмай кун санашнинг–ҳикмати олдинги эрдан бола бор-йўқлигини аниқлаш ҳамдир. Шунинг учун ундоқ аёлга совчи қўйиб бўлмайди.

Эри ўлганидан кейин идда ўтирган аёлнинг ҳоли ҳам шу. Бунинг устига ўлган эрнинг, у билан ўтказган оилавий ҳаётнинг ўзига яраша ҳурматини сақлаш ҳам керак. Шунинг учун эри ўлимидан кейин идда ўтирган аёлга совчи қўйиб ёки идда чиққанидан кейин оила қуришга ваъдалашиб бўлмайди.

Аммо Қуръони Каримда бундоқ аёлларга уларга уйланиш нияти борлигига ишора қилиб қўйиш: жоиз эканлиги баён қилинган. Бу уларга ҳеч нарса айтмай ҳадя юбориш ёки мақтов сўзларини айтиш билан бўлади.

Иккинчи ҳолат–бошқа биров томонидан совчи қўйиб турилган кишининг

ҳолати.

Бундоқ аёл-қизларга ҳам совчи қўйиб бўл-майди.

Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Киши ўз биродари совчилиги устига, то ун-дан олдинги совчи тарк қилгунча ёки унга изн бергунча совчи қўймас», дедилар».

Бешовлари ривоят қилишган.

Шарҳ: Биров совчи қўйиб турган жойга унинг устидан совчи қўйиш ҳаромдир. Фақат биринчи совчи қўйган одам келиша олмай совчиликни тарк қилганидан сўнг ёки унинг ўзидан изн олгандан сўнггина совчи қўйиш мумкин.

Чунки бировнинг совчилиги устига совчилик қилиш биринчи совчининг ҳаққига тажовуз қилишдир.

Бу иш туфайли кишилар ўртасида низо, хусумат, адоват ва уруш-жанжаллар чиқади.

Шу билан бирга, бирданига бир неча киши совчи қўйган, иш пишмай турган бўлиши мумкин. Улардан ҳеч бири билан жиддий муомала қилинмай иккиланиш ва маслаҳат ҳолати бўлиши мумкин.

Имом Муслим келтирган ривоятда Фотима бинти Қайс розияллоҳу анҳога бирданига уч киши: Абу Жаҳм ибн Хузума, Муовия ва Усома ибн Зайд розияллоҳу анҳум совчи қўйишган. У киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан маслаҳат сўраганларида Абу Жаҳм асосини елкасидан туширмайди, Муовия камбағал, моли йўқ, Усома ибн Зайдга теккин, деганлар.